

Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 29-oktabr, chorshanba № 86 (15828)

Paraosiyo o'yinlari — 2014

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ПАРАОСИЁ ЎЙИНИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида нуфузли мусобақа — II Параосиё ўйинлари якунланди. Ушбу йирик спорт анжуманида қитъамизнинг қирқдан зиёд давлатидан спортчилар голиблик учун баҳслашди. Параосиё ўйинларида ўзбекистонлик 27 нафар спортчи энгил атлетика, дзюдо, сузиш ва ўқ отиш бўйича ўтказилган мусобақаларда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, шижоат ва матонат бобида ҳеч кимдан кам эмаслигини ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини исботлади. Спортчиларимиз **22 олтин, 5 кумуш ва 4 бронза, жами 31 медални** қўлга киритиб, қирқдан зиёд давлат орасида бешинчи, Марказий Осиё давлатлари ўртасида биринчи ўринни эгаллади.

(Давоми 7-саҳифада)

«Азиз фарзандларим, ҳеч қачон унутманг: сиз эришган марра ва ютуқларингиз халқимиз, элимиз эришган ютуқлар деб ҳисоблайман, сизнинг бугунги ва эртанги кунингиз янада ёруғ бўлиши учун бор кучимни аямайман».

Ислом Каримов



So'z — konferensiya ishtirokchilariga

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

«Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш» мавзусидаги халқаро конференция иштирокчилари



Урганч шаҳрига етиб келди. 28 октябрь куни улар Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги хўжаликларда, тиббиёт муассасаларида бўлди, Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойлари билан танишди.

ЎЗА махсус мухбирлари халқаро анжуман иштирокчиларининг айримлари билан суҳбатлашди.

Ханс-Ульрих ИМ, Оролни кутқариш халқаро жамғармасининг ижрочи кўмитаси маслаҳатчиси ва халқаро лойиҳалар бўйича менежери:

— Оролнинг қуриган қисмидан миллионлаб тонна туз ва чанг кўтарилиб, жуда катта ҳудудда

ҳаво ва tupроқ ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Бу аҳоли, жумладан, ёш авлод саломатлигига, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига салбий таъсир кўрсатаётир. Бугунги кунда Оролбўйи аҳолиси генофондини асраш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Qaror va ijro

Ўз мустақил фикри, қатъий ҳаётий позициясига эга ёшларни тарбиялаш, уларда таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш ва моҳирона мунозара олиб бориш қобилиятларини ривожлантириш мақсадида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ҳудудий ва маҳаллий кенгашлари қошида «Мунозара» тўғрақлари фаолият бошлади.

«Мунозара»

мустақил фикр, қатъий ҳаётий позицияни тарбиялаётган

Ҳаракат тизимида бундай тузилмани ташкил этиш Президентимизнинг шу йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тақдирланган Дастурда белгилаб берилган эди.

Яқинда Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Мунозара» тўғрақларининг координатор ва тренерлари учун дастлабки ўқув-семинар ўтказилди.

(Давоми 3-саҳифада)

Kun yangiligi

Ёш олим Бутунжаҳон франлар академияси аъзоси

Ўзбекистонлик генетик олим Иброҳим Абдурахмонов Бутунжаҳон франлар академияси (TWAS) аъзоси бўлди. Бу ҳақда халқаро ташкилотнинг расмий сайтида хабар берилди.

Бутунжаҳон франлар академияси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида фаолият кўрсатади. Бугунги кунда нуфузли илмий тузилма барча қитъалардан минг нафардан зиёд етакчи олим, муҳандис ва ихтирочиларни бирлаштириб келмоқда. Яқинда Умоннинг Маскат шаҳрида Академиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда илмий тузилма таркибига 36 мамлакатдан 46 нафар янги аъзо сайланди. Иброҳим Абдурахмонов Марказий Осиёдан ягона вакилди.

Ҳамюртимиз молекуляр генетика соҳасида жаҳонда тан олинган олимлардан бири. У минтақамизда биринчилар қаторида геном технологиялари асосида илмий изланишлар бошлаган. Олимнинг ғўза генларини клонлаштириш бўйича

Иброҳим Абдурахмонов 1975 йилда Наманган вилоятининг Чуст туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университети, АҚШдаги Техас кишлок хўжалиги ва механика университетини тамомлаган. Юртимизда илм-фан тараққиётига қўшган муносиб ҳиссаси ва илмий кашфиётлари учун 2010 йилда «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони билан тақдирланди. У кишлок хўжалиги бўйича TWAS халқаро мукофоти (2010 йил) ҳамда Халқаро ғўза маслаҳати кенгаши (ICAC) мукофоти (2013 йил) соҳиби.

олиб борган тадқиқот натижалари халқаро миқёсда юқори баҳоланмоқда.

Биология фанлари доктори, профессор Иброҳим Абдурахмонов дунёда илк маротаба ғўзада «ген-нокаут», яъни «генларни ўчириб қўйиш» технологияси асосида ғўзанинг бир қанча трансген формаларини олишга эришди. Шу билан бирга бошқа кўплаб ўсимликлар намуналарини молекуляр-генетик таҳлил қилиш имконини берувчи



самарали молекуляр методларни ишлаб чиқди.

Иброҳим Абдурахмонов Геномика ва биоинформатика марказини ташкил қилган. Унинг бошчилигида ўнлаб ёш илмий кадрлар ғўза, буғдой ва картошканинг янги ген-нокаут навларини яратиш бўйича истиқболли тадқиқотлар олиб

бормоқда. Хусусан, Марказ олимлари томонидан илк маротаба ғўза геноми (25 мингдан зиёд генлар) чуқур таҳлилдан ўтказилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу замонавий генетика фанидаги оламшумул воқеадир.

Наргиза УМАРОВА, «Turkiston» мухбири

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Ўзбекистонда Оролбўйидаги экологик муаммо ва ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш борасида изчил ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик. Ташкилотимиз фаолиятида мамлакатингиз алоҳида ўрин тутади. Хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, соҳа мутахассислари малакасини ошириш, ўрмонзорлар барпо этишга оид қатор лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Мазкур глобал муаммо оқибатларини энгиллаштириш йўлида биргаликда ҳаракат қилишимиз, бу ишга жамоатчиликни янада кенгроқ жалб этишимиз ва халқроқ ҳамкорликни мустақамлашимиз лозим.

Анхель Фернандес РАМОС, “CYTSA” компанияси менежери (Испания):

– Ушбу конференцияга кўплаб мамлакатлардан, нуфузли халқроқ ташкилотлар ва компаниялардан вакиллар ташриф буюргани уларнинг Орол муаммосини ҳал этишга ўз хиссасини қўшиш ниятида эканидан далолатдир.

Компаниямиз институционал ривожланиш, бизнес-инновациялар ва муҳандисликда қўлланиладиган маҳсулотларни етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Орол денгизи муаммосини, унинг глобал микёсда атроф-муҳитга таъсирини ўрганиш ҳамда оқибатларини юмшатиш борасидаги лойиҳаларда фаол иштирок этиш ниятидамиз.

Ўзбекистонга келганимдан қалбим қувончга тўлди, руҳим кўтарилди. Хивадаги бетакор тарихий обидалар, миллий либос ва ҳунармандлик буюмлари ҳар қандай кишини ҳайрат-

ОРОЛ ВА ОРОЛБЎЙИ МУАММОЛАРИНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛИДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

га солади. Ичанқалъани кўриб, маҳобатли миноралар орасида ўзимни тўғ мўъжизалар оламида юргандай ҳис этдим.

Ким Хак СУ, Корея Республикаси халқроқ ҳамкорлик агентлиги (KOICA) катта маслаҳатчиси:

– Бугунги кунда Орол муаммоси нафақат Марказий Осиё минтақасининг, балки бутун дунёнинг муаммосига айланган.

Беруний туманидаги ёшлар боғига дарахт кўчатларини ўтказишда иштирок этганимиздан, бу ердаги экологик ҳолатни яхшилашга, оз бўлса-да, ҳисса қўшганимиздан хурсандимиз. Оролбўйида қурғоқчиликка ва шўрга чидамли буталар экиш, дов-дарахтлар ва ўсимликларни кўпайтириш бўйича бу каби лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор. KOICA Ўзбекистон билан бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш, қатор қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ниятида.

Харви БОИСГУИЛЛАМЕ, Франция Экология, барқарор ривожланиш ва энергетика вазирлиги департаменти директори:

– Ўзбекистонда Орол бўйидаги вазиятни яхшилаш бўйича қилинаётган ишлар эътиборга молик. Худудни иқтисодий ривожлантириш, аҳоли саломатлигини яхшилаш ва уни ижтимоий қўллаб-қувватлашга

йўналтирилган қатор йирик, аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётди. Хоразм вилояти шифохоналарида аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш учун яратилган шарт-шароит бизни ниҳоятда қувонтирди. Лекин бу борада ҳали яна кўп ишлар қилиш, халқроқ ҳамкорликни кучайтириш зарур.

“Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш” мавзусидаги халқроқ конференция бутун дунё учун муҳим аҳамият касб этади. Форумда минтақадagi муаммолар атрофлича муҳокама қилиниб, Оролбўйидаги ижтимоий, иқтисодий ва экологик вазиятни яхшилашга доир конструктив режалар ишлаб чиқилишига ишонамиз.

Андреас БРУНДЕР, Халқроқ мустақил тиббий-гуманитар ташкилотнинг Марказий Осиёдаги минтақавий миссияси раҳбари:

– Ташкилотимиз Ўзбекистон билан 1999 йилдан буён ҳамкорлик қилиб келади. Ўзбекистон раҳбарияти мамлакатингизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва тиббиёт объектларини энг замонавий ускуналар билан жиҳозлашга катта эътибор бераётгани алоҳида эътирофга молик.

Минтақадa энг йирик сув ҳавзаларидан бирининг таназзулга учраши иқлим ўзгариши ва экологик мувозанатнинг ёмон-

лашувига олиб келмоқда. Бу муаммога биргаликда ечим топиш зарур. Мазкур конференция экология масалаларини ҳал этиш учун янги ёндашувлар ишлаб чиқиш, долзарб лойиҳа ва ташаббусларни муҳокама этиш имконини беради.

Вильгельм МАЙЕР, Швейцария Ташки ишлар вазирлигининг сув соҳасидаги ҳамкорлик масалалари бўйича махсус вакили:

– Ўзбекистонда сув таъминоти, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш соҳасида изчил ислохотлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Мамлакатингизда ушбу мақсадлар учун катта миқдорда инвестиция сарфланаётгани, кўплаб сув ўтказиш тармоқлари, каналлар ва бошқа объектлар қуриш бўйича лойиҳалар амалга оширилаётгани диққатга сазовор.

Шуни қайд этиш керакки, Ўзбекистон экология масалаларини ҳал этишга комплекс равишда ёндашмоқда. Масалан, биз Қорақалпоғистон Республикасида янги боғ барпо этишда бевосита иштирок этдик. Келажакда бу боғ мазкур минтақадa экологик аҳволни яхшилашга хизмат қилишига умид қиламиз.

Эрнест РОБЕЛЛО, Германия халқроқ ҳамкорлик жамиятининг дастури раҳбари:

– Манзарали дарахтлар боғида кўчат экиш халқроқ анжу-

манга келган делегациялар аъзолари учун ушбу минтақадa экологик аҳволни яхшилашга ҳисса қўшиш учун ажойиб имконият бўлди. Ҳамкорлик айнан шу тарзда мустақамланади ва мазкур халқроқ конференция ҳам шу мақсадга қаратилган.

Экологик офат худудида янги боғ-роғлар, ихота дарахтзорлари зонасини ташкил этиш, соғлиқни сақлаш тизими объектларини реконструкция қилиш ва технологик янгилаш бу ерда яшаётган аҳолининг турмуш даражасини оширишга хизмат қилади. Конференция самарасида минтақадa лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этувчилар сони янада кўпайишига ишонаман.

Рафаэль ЖОЗАН, Франция тараққиёт агентлиги ижрочи директори маслаҳатчиси:

– Бой тарихий ва маданий меросга эга Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий тараққиётда катта ютуқларга эришмоқда. Айниқса, қишлоқ ва сув ҳўжалигини ривожлантириш, янги сонаот объектларини ташкил этиш борасидаги муваффақиятлар эътиборга молик.

Ташкилотимиз Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан ўзаро англашув меморандуми имзолади. Энергетика тармоғи ва чиқиндиларни қайта ишлаш соҳасида қўшма лойиҳаларни амалга оширмоқдамиз. Айни пайтда Орол денгизи ҳавзасида ҳам ҳамкорлик масалалари кўриб чиқилмоқда.

ЎЗА махсус мухбирлари Нодира МАНЗУРОВА, Меҳрибон МАМЕТОВА ёзиб олди.

«Infolib — 2014»

Мўъжизалар оламига бир ҳафталик саёҳат

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Infolib — 2014» учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги бошланди. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Матбуот ва ахборот агентлиги, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри билан ҳамкорликда ташкил этилиб, 31 октябрга қадар давом этадиган ҳафталикдан кўзланган мақсад ёшларнинг китобга меҳрини ошириш, уларни янги ўқув ва бадиий адабиётлар билан батафсил таништириш, ахборот олиш ва интернет тармоғидан фойдаланиш маданиятини шакллантиришга қаратилган.

Ички ишлар ходимлари куни муносабати билан юртимизнинг турли гўшаларида байрам тадбирлари ташкил этилди.

МАРДЛИК ВА САДОҚАТГА ҚАСАМЁД

Пойтахтимиздаги «Жар» спорт соғломлаштириш комплекси ҳузурда фаолият олиб бораётган, Ички ишлар вазирлиги тизимидаги ягона ҳарбийлаштирилган мактаб-интернатда ўтказилган қасамёд қилиш маросими ҳам ана шундай тадбирлардан бири бўлди. Кўтаринки руҳда ташкил этилган маросимда ИИБ ходимлари, курсантлар ҳамда уларнинг ота-оналари иштирок этди.

— Жудаям хурсандман, негаки, набирам ҳам отаси ва бобосининг касбини танлади, бугун у қасамёд қабул қилди, — дейди Абдумалик Қўчқоралиев.

Ўқув даргоҳида ҳамюртларимиздан ташқари, чет эллик курсантлар ҳам таълим олмақда.

— Ёшлигимдан ҳарбий таълим муассасасида ўқишни орзу қилардим, — дейди италиялик курсант Стефано Шебернёв. — Онам билан биргаликда бундай ўқиш жойларини интернет орқали излай бошладик. Ниҳоят, Ўзбекистонга бориб ўқийман, деган қарорга келдим.

Ушбу мактаб-интернат 2003 йилда ташкил этилган. 2014-2015 ўқув йилида муассасага 53 нафар курсант қабул қилинди. Ҳозирги кунда ҳарбийлаштирилган мактаб-интернатда 300 нафар курсант таҳсил олмақда. Унинг битирувчилари олий таълим муассасаларини тугатиб, ИИБ тизимида, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва бошқа соҳаларда хизмат қилмоқда.

Жавлон ВАФОВЕВ, «Turkiston» мухбири

— Ҳафталикнинг ҳар бир куни ўзига хос ўтади, — дейди Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори Асаджон Хўжаев. — Улар очиқ эшиклар куни, билим, ижод, хорижий тиллар куни деб номланган. Биринчи кун иштирокчилар Ўзбекистон давлат академик катта театри оркестрининг бадиий чиқишига гувоҳ бўлди. Китоблар тақдир эшиклар куни, билим, ижод, хорижий тиллар

билан ижодий учрашув ташкил этилди.

Кеча миллий ахборот-кутубхона ҳафталиги доирасида олимлар ва ижодкорлар билан учрашувлар, «Археология бугунги кунда: ёшлар учун янги имкониятлар» мавзусида семинар, «Янги тарих. У қандай бўлиши керак?» мавзусида баҳс-мунозара ўтказилди. Ўзбекистонлик моҳир дизайнерларнинг хонатлас коллекцияси кўргазмаси, «Гумроҳлар» бадиий фильми намойиш этилди.

— Бу каби тадбирлар ўғил-қизларимизнинг дунёқарабини кенгайтиришга хизмат қилади, — дейди таниқли режиссёр Ҳилол Насимов. — Негаки, ҳафталикда ёшлар олим ва ижодкорлар билан бевосита учрашиб, дилдан суҳбатлашиш имконига эга бўляпти. Улар билан фикрлашиб, ўзлари учун керакли маълумотларни оляпти. Унинг Мил-

лий кутубхонамизда ўтказилиши ҳам бежиз эмас. Бу даргоҳда қанчадан-қанча маънавий бойликларимиз бор. Ёшлар улардан бемалол фойдаланиб, билимларини бойитиши мумкин. Ҳафталик доирасида «Гумроҳлар» бадиий фильми намойиш этилди. Биз бу фильмимиз орқали фарзандларимизни бугунги дорилон кунларни, тинчлигимизни янада қадрлашга чорлаганмиз.

«Infolib — 2014» учинчи миллий ахборот-кутубхона ҳафталигининг аввалгиларидан фарқи — бу йил хорижий тиллар куни ҳам ўтказилди. Унинг дастуридан «Инглиз тилини ота-оналар билан бирга ўрганамиз», «АКТ ёрдамида немис тилини ўрганиш» мавзуларида қизиқарли тадбирлар ўрин олган.

Назокат ҚУРБОННЁЗОВА, «Turkiston» мухбири

«Saylov — 2014»

ДЕМОКРАТИЯНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ



Мустақиллик йилларида демократик ислохотларимизнинг ажралмас қисми бўлган сайлов тизими миллий тажриба ва илғор хориж амалиёти асосида босқичма-босқич ислох қилинди.

Ўтган йиллар давомида сайлов жараёнида сиёсий партиялар ўртасида депутатлик ўрни учун кураш олиб бориш, сиёсий мунозараларга киришиш маданияти шаклланди. Сайловчиларнинг ҳуқуқий онги ва дунёқараши тубдан ўзгарди. Сайловдан-сайловгача тўпланган тажрибалар ва фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий онги ўсиб бориши, партиялар ўртасида сиёсий рақобатнинг ортиб бориши натижасида сайлов қонунчилигимиз янада такомиллашди.

2008 йилда «Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши мамлакатимизда демократик сайлов тизимининг янада такомиллашувида муҳим босқич бўлди.

Мазкур қонуннинг татибиқ қилиниши натижасида сиёсий партия ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий мақоми ва давлат бошқарувини амалга ошириш жараёнидаги роли ва имкониятлари оширилди. Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120тадан 150тага кўпайтирилди, шундан 135та депутатлик ўрни сиёсий партияларга, 15таси Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатларга берилди.

Бугунги кунда Бухоро вилоятида яшовчи юртдошларимизнинг ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар тўғрисида сайлов жараёнига бўлган муносабати ижобий томонга ўзгараётганлигини кузатиш мумкин. Фуқароларга кейинги йилларда мамлакатимиз сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисидаги маълумотлар тарғибот-ташвиқот қили-

няпти ва бу ишлар ўтказилажак сайловларда фуқароларнинг ҳар жиҳатдан ўз фуқаролик позициясини янада аниқ ифодалашига хизмат қилади.

Аҳамиятлиси шундаки, ушбу муҳим сиёсий жараёнларда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг фаоллиги юқори бўлмоқда.

— Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган чоратадбирлар дастуридан келиб чиқиб, декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларнинг юқори даражада ўтказилишини таъминлаш мақсадида бир қатор тадбирларни белгилаб олган, — дейди мазкур институт Бухоро ҳудудий бўлинмаси раҳбари ўринбосари Жасур Болтаев. — Жумладан, сиёсий партияларнинг ҳудудий кенгашлари билан биргаликда сиёсий партияларнинг кузатувчиси ва ваколатли вакилнинг сайловлардаги иштирокига оид семинар-тренинглари ўтказилди. Шунингдек,

ҳудудий оммавий ахборот воситалари билан биргаликда сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақидаги давра суҳбатлари уюштирилиб, бир қатор таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда Бухоро вилоятида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туманлар Кенгашларига ўтказиладиган сайловлар учун сайлов округ ва участкалари ташкил этилди ҳамда керакли моддий-техник база шакллантирилди. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси ҳузурида матбуот маркази ташкил этилиб, журналистларнинг тезкор ахборот олиш ва узатишлари учун замонавий компьютер, юқори тезликка эга интернет тизими ва бошқа алоқа воситалари билан таъминланди. Бу эса мазкур муҳим сиёсий жараёни намунали ўтказиш ва кенг ёритиб боришда муҳим аҳамият касб этади.

Лайло ХАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

«Мунозара»

мустақил фикр,
қатъий ҳаётий
позицияни тарбиялаётди

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

— Ёшлар орасида демократик тамойил ва умуминсоний қадриятларни тарғиб қилишда мунозара усули жуда қўл келади, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши бўлим мудири Асилбек Муртазов. — Шу орқали тенгдошларимиз турли масалалар юзасидан мустақил фикри ва қатъий ҳаётий позициясини, баҳс юритиш маданиятини шакллантиради, мантиқий фикрлаш, ташаббус ва ғояларини асослаган ҳолда ҳимоя қилишни ўрганади, нотиклик маҳоратини юксалтиради.

Ўқув-семинар давомида иштирокчиларга «Мантиқий фикрлаш қобилиятини ошириш», «Мавзуга нисбатан мантиқий ёндашиш усуллари», «Нотиклик санъати ва этикасини шакллантириш», «Далил, исбот келтириш ҳамда ишонтириш кўникмаларини ривожлантириш», «Нутқ жараёнига психологик тайёрланиш» каби мавзуларда маҳорат дарслари ўтилди. «Мантиқ майдони» интеллектуал ўйини ўтказилди.

— Маҳорат дарсларида нотиклик санъати сирлари, аудиторияни ишонтириш ва тингловчиларга психологик таъсир ўтказиш усулларида бохабар бўлдик, — дейди жаззахлик Нодир Турсунов. — Карл Поппер методи асосида гуруҳларга бўлинган ҳолда мунозара олиб боришни амалий жиҳатдан ўргандик. Ушбу тренинг машғулоти танқидий фикрлашга ёрдам беради. Умуман олганда, семинар давомида мен кўплаб иқтидорли ёшлар билан танишдим. Улар билан келгусида тажриба алмашишни мақсад қилдим.

Тўрт кун давом этган семинарда тажрибали тренерлар томонидан мунозара беллашувлари қандай бўлиши кераклиги намунавий тарзда кўрсатиб берилди. Бунинг учун иккита долзарб мавзу: «Ижтимоий тармоқлар фойдадан кўра кўпроқ зарар келтиради» ҳамда «Экологик муҳитни асраш иқтисодий ривожлантиришдан устун» тезислари танланди. Беллашув шартига кўра, жамоалар аъзолари ўз нуқтаи назарини тўлиқ ифодалашга, аниқ мисоллар, далил-фактлар билан исботлашга ҳамда рақибларига кучли саволлар билан мурожаат этиши керак. Беллашув якунида ҳакам нотикларнинг кучли ва заиф томонлари, жамоада ишлаш, мулоқот олиб бориш, давомида далил ва мисоллардан фойдаланиш маҳоратига баҳо беради. Шу аснода иштирокчилар мунозара беллашуви ҳақами қандай бўлиши лозимлиги тўғрисида маълумот олди.

Мунозаралар якунида тўрт нафар иштирокчи «Энг яхши спикер» деб топилди.

— Бир неча йиллардан бери мунозараларда қатнашаман. Лекин шу ерга келиб тажрибамни кўп қарра ошира олдим, — дейди энг яхши спикерлардан бири Анвар Барноев. — Шунга амин бўлдимки, жамоада мавзулар юзасидан билдираётган фикр-мулоҳазамиз, топган маълумотларимиз бизни янада кўпроқ изланишга ундайди. Энди семинарда олган билимларни ўзим таълим олаётган Жаҳон иқтисодий ва дипломатия университети талабаларига бўлишаман.

Ўқув-семинаридан сўнг Тошкентга етиб келган ёшлар Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси фаолияти билан яқиндан танишди. Мазкур нуфузли таълим даргоҳида ўқиш учун уларнинг номзоди Ҳаракат томонидан тавсия этилди.

Зарнигор АБДУМАЛИКОВА,
«Turkiston» мухбири

Xabarlar

Сара асарлар ижроси

Мамлакатимизда ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал қобилияти ва салоҳиятини юксалтириш, уларнинг истеъдодини аниқлаб, сайқал топтириш, миллий ва жаҳон мусиқа санъатининг юксак намуналари билан танишишида мусиқий фестиваллар, турли ижодий кўрик-танловларнинг алоҳида ўрни бор.

Юртимизда илк бор халқ чолғулари бўйича халқаро миқёсдаги «Она юрт оҳанглари» танлови ташкил этилди. Бир ҳафта давом этган ушбу ижодий беллашувда юртимиз ҳамда Россия, Эрон, Озарбойжон, Туркменистон, Арманистон, Туркия, Қозғистон сингари хорижий давлатларнинг ёш мусиқачилари миллий мусиқаси, республикамиз ҳамда жаҳон бастакорларининг энг сара асарларидан намуналарни ижро этди. Халқимиз орасида санъатнинг қадрланиши, айниқса, миллий чолғулар ижросидаги куй-қўшиқларга тингловчиларнинг меҳри баланд эканига амин бўлган меҳмон-

ларда замонавий усулда бунёд этилган консерватория, мусиқа ва санъат йўналишидаги мактаблар, лицей ва коллежларда таҳсил олаётган ўғил-қизларимизнинг истеъдоди ва маҳорати катта таассурот қолдирди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида мазкур танловнинг голиб ва совриндорларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Ёш тоифаси бўйича ўтказилган танловда 12—15 ёшлилар ўртасида ҳамюртимиз Мавлонбек Урмонов қонун, Ислонбек Нуриддинов афгон рубоби, Умарбек Шукӯр ўғли (Озарбойжон) ғижжак, Алексей Далматов

(Россия) баян ижросида голиб бўлди.

16—19 ёшлилар ўртасида ўзбекистонлик Маъруфжон Қодиржонов қашқар рубоби, қозғистонлик Ойбек Худойбергенов ҳамда россиялик Дарья Баранова дўмбира ижросида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Голиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалар топширилди. Улар иштирокида катта концерт дастури намойиш этилди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда мусиқа соҳасини янада ривожлантириш, мусиқа таълимини тобора раванқ топтириш, ўзбек бастакорларининг ижод намуналари билан турли давлатларнинг ёш ижрочиларини кенгроқ таништиришда, мусиқа педагоглариининг ўзаро тажриба алмашишида «Она юрт оҳанглари» халқаро танлови муҳим аҳамият касб этди.

Дилшод РЎЗИҚУЛОВ,
«Turkiston» мухбири

Медиатур Навоийда

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси юртимизда атроф-муҳит тозалиги ва табиатни асраш, заводлардан чиқаётган тўтинларнинг аҳоли саломатлигига салбий таъсирининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар дастури — медиатур лойиҳасини ишлаб чиққан эди. Мазкур дастурнинг амалий ижросини таъминлаш мақсадида яқинда республика ва вилоят оммавий ахборот воситаларининг бир гуруҳ ходимлари ва экологлар Навоий кон-металлургия комбинатида таширф буюрди.

Медиатур иштирокчилари комбинат, унинг ишлаб чиқариш қуввати, имкониятлари билан танишди. Бу ерда ишлаётган ёшлар учун

ташкил этилган Марказий кон бошқармаси ўқув биносини бориб кўрди. Бешта йўналиш бўйича таҳсил олаётган бўлажак мутахас-

сислар билан дилдан суҳбатлашди. Сўнгра меҳмонлар кондаги қазиб олиш жараёни билан яқиндан танишди.

Умида МУРОДОВА,
ЎЗМУ талабаси

Kuchli davlatdan — kuchli fuqarolik jamiyati sari

Очиқлик — мақсад сари мақбул ўйл

Давлатимиз раҳбари томонидан 2010 йил ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бугунги фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, давлат ҳокимияти ва бошқаруви соҳасида асқотадиган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш назарда тутилган эди.

Унинг асосида 2014 йил 11 мартда «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни қабул қилинди. Ўз навбатида янги қонун халқаро экспертлар томонидан фуқароларнинг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисида ахборот олишга бўлган ҳуқуқларини кенгайтиришга қаратилган муҳим ҳужжат деб эътироф этилди.

Қонун талаблари асосида жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари вакиллари томонидан матбуот анжуманлари, брифинг, давра суҳбатлари ўтказилмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигида пойтахт туманлари ҳокимлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирокида мунтазам равишда матбуот анжуманлари ўтказилмоқда. Ушбу тад-

бирлардан кўзланган мақсад фуқароларни маҳаллий ҳокимликлар тизимида амалга оширилаётган ишлар, давлат бошқаруви органларининг фаолияти ҳақида хабардор этишдир.

Бугунги кунга қадар матбуот анжуманлари Миробод, Мирзо Улугбек, Сергели, Олмазор, Учтепа туманлари ҳокимлари билан ташкил этилди. Мутасаддилар журналистларга жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида туманларда ижтимоий, иқтисодий, коммунал ва бошқа соҳаларда қилинган ишлар ҳақида маълумот берди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши фуқаролик жамияти институтлари вакилларида давлат органлари фаолиятига оид ах-

боротни ҳеч қандай тўсиқсиз олиш имконини беради. Асосийси, энди ҳар бир фуқаро давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига доир маълумотларни ўз вақтида ва тўсиқсиз олиш ҳуқуқига эга.

2014 йилнинг уч чораги мобайнида Тошкент шаҳар диспетчерлик хизматига Миробод тумани аҳолисидан 503та мурожаат келиб тушган. Шундан 463таси ҳал этилган. Сергели тумани аҳолисидан келган мурожаат сони 1187тага етиб, 463таси қаноатлантирилди. Учтепа туманида эса фуқароларнинг таклифига кўра Бўзсув канали бўйида «Учрашув» сайилгоҳи бунёд этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва бўш иш ўринларини ташкил этиш дастури юзасидан шу кунга қадар Миробод туманида 7286та, Сергелида 5578та бўш иш ўрни яратилди. Касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масаласида ҳам ижобий натижага эришилмоқда. Масалан, Мирзо Улугбек туманида касб-хунар коллежини тамомлаган битирувчиларнинг 2213 нафари, Учтепа туманида 2073 нафари, Сергели туманида 1401 нафари, Миробод туманида 1269 нафари иш билан таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 18 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги Ин-

вестиция дастури тўғрисида»ги қарорининг ижроси юзасидан Сергели туманида икки миллиард 744 миллион сўм, Учтепа туманида ўн миллиард сўм миқдориди маблағ ўзлаштирилиб, ҳар икки туманда биттадан мактаб мукамал, иккитадан касб-хунар коллежи капитал таъмирланди.

Пойтахтимиздаги ҳар бир туман ҳокимлигида аҳоли талабларидан келиб чиққан ҳолда куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича чоратадбирлар дастурлари тузилди. Уларнинг ижроси юзасидан кўп қаватли уйларнинг том ва ертўлаларида қайта таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Сергели туманида ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш учун тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Туманда шу йилнинг октябрь ойигача кичик бизнеснинг янада ривожланишига кўмаклашиш ва тадбиркорлар учун қулай бизнес муҳитини яратиш мақсадида тумандаги тижорат банклари томонидан олтмиш уч миллиард сўм миқдориди кредит ажратилди. Шунингдек, ишлаб чиқариш билан шугулланувчи кичик бизнес субъектлари учун барча коммуникация тармоқлари мавжуд 27,8 гектардан зиёд ерда саккизта кичик саноат зонасини ташкил этишга қарор қилинди. Бундан ташқари, тадбиркорлар билан ҳамкорликни янада мус-

таҳкамлаш мақсадида туман ҳокимлиги ҳузурида «Ягона ойна» маркази ташкил этилди.

«Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 9-моддасига биноан, «давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг расмий нашрлари, веб-сайтларидаги ахборотлар, мансабдор шахсларнинг чиқишлари ва баёнотлари, ахборот хизмати хабарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали берилган материаллар давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти тўғрисидаги ахборот манбалари ҳисобланади». Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларнинг омма орасидаги ижроси тўғрисидаги ҳамда бошқарув органларининг ташаббуси билан ташкил этилган турли хил мажлис, кенгаши, брифинг, матбуот анжумани ва бошқа тадбирлар тўғрисидаги маълумотлар аҳоли учун жуда муҳимдир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, ҳар бир давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи ҳузурида ахборот хизмати ташкил этилди. Ахборот хизматлари давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг оммавий ахборот воситалари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорлигини таъминлашда асосий бўлиб хизмат қилмоқда.

Айни вақтда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз босма нашрлари ва веб-сайтига эга. Бу эса аҳолига уларнинг фаолияти билан тез ва қулай танишиш имконини берапти.

Жавлон ВАФОЕВ,
«Turkiston» мухбири

Kelajakka qadam

Янги, шинам, замонавий

музыка ва санъат мактабига ёш истеъодлар камол топяпти

Шаҳрихон туманида қад ростлаган 10-болалар музыка ва санъат мактаби биносини кўрган кишининг кўнглида беихтиёр ҳавас уйғонади. Замонавийлик ва миллийлик акс этиб турган бу қошона санокли ойларида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Мустақиллигимизнинг илк йилларида бошлаб мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларимизнинг илм-фан, касб-хунар сирларини мукамал эгаллаши учун барча шароит

ва имкониятлар яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги «Болалар музыка ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларни янада жадаллаштиришга хизмат қилди. Шаҳрихондаги музыка ва санъат мактаби ҳам ана шу қарор асосида бунёд этилиб, жаҳон стандартларига мос тарзда жиҳозланди.

Туман марказида жойлашган ушбу таълим муассасасидаги дастлабки машғулотлар ўтган асрнинг олтмишин-



чи йилларида қурилган бинода бошланган. У бир қаватли бўлиб, хоналар етишмас, таълим олиш учун мавжуд шароитлари ҳам ҳаминқадар эди.

Бугун янгича қиёфа касб этган таълим даргоҳида фортепиано, анъанавий хонадалик, хореография, театр актёрлиги, ҳайкалтарошлик каби санъатнинг ўнга яқин йўналиши бўйича 260 нафардан зиёд ўғил-қиз таълим-тарбия олмақда. Бу ердаги қулай шароит уларнинг истеъодини юзага чиқаришда муҳим омил бўлаётир.

— Бугунги ёшларга жуда ҳавас қиламан. Уларга яратилган имкониятлар, дунёнинг ҳеч бир мамлакатиди йўқ, — дейди муассаса раҳбари Асҳобиддин Мирзоалимов. — Бундан фарзандларимиз унумли фойдаланиши зарур. Мактабимизнинг янги биносиди ўқувчиларнинг музыка ва санъат сирларини пухта эгаллаши учун барча имкониятлар муҳайё.

Мактабда қирқта шинам ва ёруғ хона ҳамда замонавий концерт зали бўлажак санъаткорлар ихтиёрида.

Аудиториялар замон талабларига жавоб берадиган жиҳозлар билан таъминланган. Эътиборлиси, уларнинг аксарияти мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

— Фортепианонинг ўзгача сеҳри ва хуш оҳанги мени ўзига маҳлиё қилган, — дейди мактабнинг 2-синф ўқувчиси Азимбек Холматов. — Устозларим Элгиза Набиуллина, Саида Турсунова, Раъно Раҳматуллаева ва Энвер Бекиров кўмагида уни маромига етказиб чалишни ўрганапман. Келажакда жаҳонга машхур бастакор бўлиб, миллий санъатимиз довуғини дунёга ёймоқчиман.

Бугун юртимизда Азимбек сингари ўз олдида шундай эзгу мақсадни қўйган кўплаб иқтидорли ўқувчилар камол топмоқда. Келажакда порлоқ санъатсевар ёшлар учун барча имкониятлар мавжуд. Ундан унумли фойдаланиш эса ўз қўлимизда.

Миролим ИСАЖОНОВ.
Рустамбек АРАББОЕВ олган сурат



Yilning eng faol yosh mutaxassislari

ЯНГИ ЛОЙИХА — МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ ОЛИШ ИМКОНИ



Тошкент ахборот технологиялари университетининг ёш ўқитувчиси Саïда Бекназарова юртимизда илк маротаба медиатаълим тизимини яратди. Янги лойиҳа талабаларга мустақил таълим олиш имконини беради.

кониға ҳам эга.

Умуман олганда, медиатаълим тизими масофавий таълимга ўхшайди. Фарқи шундаки, биринчи ҳолатда таълим жараёнида ўқитувчи ва талабалардан ташқари олий таълим муассасаси ҳам иштирок этади. Хусусан, www.mediaedu.uz порталидаги медиатаълим Тошкент ахборот технологиялари университети таълим платформаси негизда ташкил этилган. Шунга қарамай тизимга юртимиздаги қолган олий таълим муассасалари ҳам қўшилиши мумкин.

Порталнинг таълим олувчилар учун мўлжалланган қисми алоҳида эътиборга молик. Тизимдан рўйхатдан ўтиб тақдим этилган соҳа, фан, мавзулар ичидан хоҳлаганини танлайсиз ва ҳеч қандай тўсиқ, чекловларсиз мустақил таълим олишни бошлайсиз. Нимани, қандай ўрганишни билмайдиганларга ҳам ёрдам бор. Муайян предмет ёки курсни ўрганишдан аввал тизим сизга тест синовидан ўтгач (ўттизта тест саволларига жавоб бериб), билим даражангизни аниқлаш ва педагогик фаолиятимни бошлаб, кўпгина ажойиб устозлар сабоғини олдим. Ўзбекистонда биринчилар қаторида медиатаълимни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша оляпман. Мақсадга машаққатсиз эришиб бўлмайди. Бир томонда оила юмушлари, бошқа томонда илмий тадқиқот ўқитувчилик касбининг залворли юкини кўтаришга баъзан қийинчилик туғдиради. Лекин аудиторияга кирганда барчасини унутаман. Дарсдан кейин талабаларнинг мамнун чеҳраси мен учун катта мукофот.

Айни вақтда мазкур порталда компьютер технологиялари, аудиовизуал технологиялар, физика, тарих, миллий истиқлол гоёси каби ўттизга яқин фандан медиакурслар, жумладан, медиатаълим ҳақидаги алоҳида курс ҳам ўрин олган. Саïда Бекназарованинг айтишича, тизим янада кенгайтириш учун уни Олий ва ўрта-махсус таълим ва-

зирлиги даражасида юритиш лозим. Ҳозирча портални янги контент билан тўлдириш ва техник таъминот ишларини ёш дастурчининг ўзи бажармоқда.

Ҳарқалай, Саïда осон йўллари қидирмайди. У ҳамиша юқори мақсадлар сари интилади. Қаҳрамонимиз компьютер техникасини биринчи бор кўрганида 6-синфда ўқирди. Турфа компьютер дастурларининг «мўъжизакор» қобилияти олдида лол қолган қизалоқ охири оқибат дастурчи бўлишга қарор қилди. Айтганидан қолмай, Наманган муҳандислик-педагогика институтига информатика ва ахборот технологиялари мутахассислиги бўйича давлат гранти асосида ўқишга кирди. Таълимнинг магистратура босқичини эса Президент стипендияси билан тамомлади. 2007 йилда компьютер графикаси бўйича фан олимпиадасида ҳамда «Келажак овози» танловининг республика босқичида ахборот-коммуникация технологиялари йўналиши бўйича голиб бўлди.

Талабалик пайтида Саïда нафақат илмий иқтидори, жамоат ишларидаги муваффақияти билан ҳам тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткич. Институтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фаол аъзоси бўлди. 2008 йилда Ҳаракат томонидан илк маротаба ташкил этилган «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» танловининг республика босқичида голиб бўлиб, шахсий бизнесини бошлаш учун банкдан имтиёзли кредит олди. Бироқ Саïда илмий тадбиркорликдан устун кўйди.

— Бундан сира афсусланмайман, — дейди у фахр билан. — Тошкент ахборот технологиялари университетида илмий ва педагогик фаолиятимни бошлаб, кўпгина ажойиб устозлар сабоғини олдим. Ўзбекистонда биринчилар қаторида медиатаълимни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўша оляпман. Мақсадга машаққатсиз эришиб бўлмайди. Бир томонда оила юмушлари, бошқа томонда илмий тадқиқот ўқитувчилик касбининг залворли юкини кўтаришга баъзан қийинчилик туғдиради. Лекин аудиторияга кирганда барчасини унутаман. Дарсдан кейин талабаларнинг мамнун чеҳраси мен учун катта мукофот.

Наргиза УМАРОВА,
«Tukiston» мухбири
Рустам Назарматов
олган сурат

Harakat ko'zgis

Вобкентлик ёш тадбиркор Жавлон Гадоевга нафақат туман, балки вилоят ёшлари ҳам ҳавас қилади. У жорий йилда «Менинг бизнес гоём» танловида «Мева-сабзавотларни қуритиш ва қайта ишлаш» лойиҳаси билан қатнашиб, 18 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш учун сертификатга эга бўлди. Вобкент педагогика коллежини тугатиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлаган Жавлонбек айни пайтда яқка тартибдаги тадбиркор сифатида қуритилган мевалардан турфа ширинликлар тайёрлаб, ички бозорларга етказиб бермоқда.

«Камолот» корхоналари — бизнес пилановаси

Вобкент туманида Жавлон сингари келажакни ўз билими ва иқтидори билан қуришга интилаётган ёшлар кўп. Уларнинг барчаси «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати атрофида бирлашиб, Ҳаракатнинг асосий таянчи ва жонқуяри бўлишга астойдил интилади.

Ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг касб-хунарга қизиқишини ошириш, ишбилармонлик ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашда Ҳаракат қошида ташкил этилган «Камолот» корхоналари»нинг ҳам ўз ўрни бор. Бугун бундай корхоналар вилоят миқёсида фақат Вобкент туманидагина сақлаб қолингани янада эътиборлидир.

Ёш тадбиркор Дилшод Асроров 2008 йилдан буён тумандаги Чўриқалон қишлоғида «Асрор алп Жамол — «Камолот» хусусий корхонасига раҳбарлик қилиб келмоқда. Яхна ичимликлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур корхона жорий йилнинг ўзида 17 нафар йигит-қизни иш билан таъминлади. Корхона қошида тадбиркор ва ишбилармон ёшлар ташаббуси билан ичимлик идишлари қадоғи ва қопқоғини тайёрлашга мўлжалланган «Муҳаммад плюс» цехи ташкил этилиб, яна 20 нафар йигит-қиз ишга жойлашди.

— «Камолот» корхоналари» ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш, уларнинг бизнесга доир ташаббусларини қўллаб-қувватлашда ўзига хос таянч бўлмоқда, — дейди «Асрор алп Жамол — «Камолот» хусусий корхонаси раҳбари Дилшод Асроров.

Туманда фаолият кўрсатаётган қурилиш материалларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган «Камолот-Бехзод-Фарҳод» хусусий корхонаси ҳам 15 миллион сўмлик имтиёзли кредит асосида хизмат турларини янада кенгайтирди. Ушбу корхона жорий йилнинг ўтган даври мобайнида 33 нафар коллеж битирувчисини иш билан таъминлади. Шунингдек, «Курувчи Феруз» хусусий корхонаси, Вобкент «Пахтабетатекс» МЧЖ ҳамда «Мукамалқурилиш» хусусий корхонаси ҳам ёшларнинг ташаббус ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга ҳисса қўшмоқда.

— «Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази»нинг «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» клубининг туман ёшларининг иш билан бандлигини таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратишда ўз ўрни бор, — дейди Ҳаракатнинг Вобкент тумани кенгаши раиси Зухриддин Ашуров. — Бу ерда зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган кўплаб ёшлар банклардан имтиёзли кредит олиб, тадбиркорлик фаолиятини бошлади.

«Камолот» корхоналари» ва ёш тадбиркорларга яратилган қулайликлар билан танишгач, «Ёшлар ижтимоий хизматлари маркази»га бордик. Марказнинг «Ёшларни оилага тайёрлаш», «Компьютер саводхонлиги», «Ёшларда тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» клубларига аъзо ўғил-қизлар сони йилдан-йилга ортиб борапти. Бир қараганда, ҳамма иш кўнгилдагидек кечаётгандек. Бироқ марказ фаолияти билан яқиндан танишар экансиз, ҳали амалга оширилиши лозим бўлган, эътибордан четда қолган жиҳатлар ҳам йўқ эмаслигига амин бўласиз.

Ёшлар келажак ва тақдири учун оз бўлса-да, ўз хиссасини қўшаётган ЭИХМларда бундай муаммолар баргараф этилиши зарур.

Дилда шижоат, ғайрат бўлса, эзгу амалларни бажариш, ишончли оқлаш қўлдан келади. Асосийси, «Камолот» томонидан ёшларнинг билим олиши ва хунарга ўрганишига қўйилаётган пойдевор уларнинг нурли келажакини таъминласин.

Лайло ҲАЙИТОВА,
«Turkiston» мухбири

Qadriyat

Чанқовуз

Куёш замин узра илиқ, оромбахш зиёсини тарата бошлади-ю, унга ҳамоҳанг узок-узокдан юрак торларини чертиб, бир наво янгради. Бу ўша... Ҳар тонг халққа омонлик тилаган момо қўлидаги қадим чолғунинг жарангдор саси! Бу ўша... Инсон кўнглидаги сирли кечинларнинг куйдаги соҳир ифодаси!



Эсимда, ҳар йили баҳор чоғи кир-адирдан дўмбираю чанқовуз овози таралиб, бутун халқни сайилга чорларди. Бугундан бахтиёр, эртасидан умиди катта халқ жўшқин наволар томон ошиқарди. Кигиз билан ўралган шинам ўтовлар, азалий анъаналар, миллий чолғу асбоблари овозаси кенг адирга ўзгача руҳ берган. Бир ёнда бахшилар дўмбира чертиб «Алпомиш»дан сўз очса, бир ёнда момолар қўлида чан-

қовуз тилга киради.

Чанқовуз... Узида мингйиллик қадриятларни жо этган сеҳрли чолғу. Унинг пластинкасимон ва ёйсимон шакллари бўлиб, момоларимиз унда азалдан бетакрор куйлар яратган.

Манбаларда айтилишича, чанқовузнинг 3-4 тури мавжуд бўлиб, асосан суяк, ёғоч, металл ва қамишдан ясалади. Юртимизда металл ва туя суягидан тайёрланган турлари

кенг тарқалган. Чанқовузни азалдан асосан аёллар якка ҳолда ва биргаликда ижро этиб келган. Турли байрам ва сайилларимиз чанқовуз оҳанглари сиз ўтмаган. Унинг товуши одамларга куч берган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2010 — 2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини

тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига асосан, халқ оғзаки ижодий меросини асраш ва тарғиб қилиш, халқ ижрочилиги мактаблари фаолиятини муносиб давом эттириш мақсадида қатор фестиваль ва танловлар ўтказиб келинмоқда. «Чанқовуз овози» фестивали ҳам ана шундай тадбирлар сирасига кириб, чанқовузга қизиқувчиларни бирлаштириш, бу чолғу асбобини оммалаштириш ва худудларда устоз-шогирд мак-

таблари тизимини такомиллаштириш йўлида муҳим ўрин тутмоқда.

— Чанқовуз бобою момолардан мерос бўлиб, асрлар давомида авлодларга ўтиб келатган маданий бойлигимиздир. Туманимизда бўладиган ҳар бир байрам, шодиёна, миллий удум ва одатларимиз чанқовузнинг янгроқ оҳанглари сиз ўтмайди, — дейди Деҳқонobod тумани маданият ва спорт ишлари бўлими ходими Замира Шукурова. — Туманимиз фольклор ансамбли турли фестиваль ва байрамларда миллий урф-одатларимиз намойиши ҳамда миллий чолғу асбобларимиз — чанқовуз, сибизга, дўмбираю доира садолари билан кишилар кўнглини хушнуд этиб келмоқда. Ҳайитгул момо, Гулли момо сингари чанқовуз ижрочилари бугун ёш авлодга унинг сир-асрорларини ўргатмоқда.

Чанқовуз... Унинг ёқимли овози бугун тўйу томоша, байрам ва сайилларимизда дўмбираю доирага жўр бўлмоқда. Сирли садолари барча эзгу фазилатлар — тантилик, бағрикенглик, садоқату жасоратдан сўзлаётгандек.

Санжар ИСМАТОВ

Ehtirom

Тўқсон беш баҳорни қаршилаганига қарамай, ёшлик ғайрати сўнмаган, исталган мавзуда гурунглашиб кетаверадиган, ўзининг таъбири билан айтганда, «энди янги ҳаёт бошлаётган» отахонни кўриб, кўнглим ёришиб кетди. Қара-я, дедим ўзимга-ўзим, аср билан бўйлашаётган йиллар бобомизнинг қалбига гард қўндирилмабди...

Бугунги кунга шукроналик

Юз билан юзлашаётганлар чехрасига акс этмоқда

— Ие, ие, кел, чироғим, кел, қайси шамоллар учирди?

Ҳол-аҳвол сўрашгач, муддаога ўтдим.

— Отахон, хабарингиз бор, яқинда Президентимизнинг 1941 — 1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида фармони эълон қилинди. Биламан, сиз газеталарни кузатиб борасиз, фармонни ҳам албатта, ўқигансиз?

Отахон сўзларимни тинглаб вужудига ўша йигитлик йилларидаги ғайрати қайтганини сездим.

— Ўқидим, ўқидим, — деди ҳаяжонланиб. — Аҳолисининг ўртача умр кўриш даражаси бўйича Ўзбекистон дунёнинг етакчи давлатлари қаторига кўтарилганини билардим. Бу фармон ҳам шу йўлда Юртбошимизнинг кўрсатаётган ғам-хўрлигининг бир намунаси-да... Эй, болам, бу боддан нималар ўтмаган, дейсан. Худого шукрки, муस्ताқиллик деган улугъ неъмат пешонамизга ёзилган экан. Одамларнинг ҳовлисига қара, йўлларимизнинг кўрки бўлиб юрган машиналаримизга, янги солинаётган иморатларга қара! Шундай кунларга шукр айтмай бўладими?

Отахон ёстигининг тагидан фармон эълон қилинган газетани олди. Кўзойнагини артиб, унга яна бир бор кўз югуртирди.

— Мана бу жойини ўқидингми, бепул соғломлаштириш курсларига борарканмиз... Қайси мамлакатда қариялар шундай эъзозланади?

Буларнинг барчаси муҳтарам Юртбошимизнинг эътибори, халқимизнинг инсонпарварлик фазилатларидандир.

Отахон фахр билан сўзлади.

Сўхбатдошим Омон ота Шайзоқов барча фахрийлар қатори қариллик гаштини сураятти. Шифокорлар мунтазам у кишининг аҳволдан бохабар бўлиб туради.

«Саёҳатга чиқишни яхши кўраман, — дейди Омон бобо. — Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларига ҳар йили бораман. Ҳар борганимда янгиликлардан, ўзгаришлардан хурсанд бўлиб қайтаман. Илоҳим, юртимизга, унинг тинчлигига кўз тегмасин».

Ўнлаб невараларнинг бобоси, ўзи сингари эл хизматига камарбаста ўғил-қизларнинг отаси Омон Шайзоқов Ғаллаорол шаҳрида яшайди. Кун сайин чирой очаётган шаҳарни кўриб, унинг тўю маъракаларида иштирок этиб, бундай тўкинлик замони ҳеч қачон бўлмаганига имон келтиради. Ўзининг айтишича, спорт билан ҳам шуғулланади.

— Маҳалла гузарига пиёда юриб бориб-келаман, шунда ўзимни яна ҳам тетик ҳис қиламан, менинг ёшимда яёв юриш ҳам спорт билан шуғулланишдек гап, болам, — дейди отахон табассум билан.

Унинг табассумида бугунги кундан мамнунлик, эртасига ишонч туйғулари мужассам эканини аңлаймиз.

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Юксак эътибор намунаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ички ишлар идоралари ходимлари куни муносабати билан шу йил 23 октябрда қабул қилган Фармонида кўра, мамлакатимизда жамоат хавфсизлиги, тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, хизмат бурчини бажариш ва миллий манфаатларимизни ҳимоя қилишда мардлик ва жасорат кўрсатгани ҳамда ёш авлодни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун бир гуруҳ ходимлар «Меҳнат шўхрати», II даражали «Шоншараф», «Дўстлик» ва «Мардлик» орденлари, «Жасорат», «Содиқ хизматлари учун» ва «Шўхрат» медаллари билан мукофотланди.



Осойишталик — бебаҳо неъмат

Ярим тун. Кўпчилик ширин уйқуда. Тинчлик, хотиржамлик, осойишталикка шукрона айтганча бобою момоларимизнинг-да кўзлари уйқуга илинади. Кексалари хотиржам, болалари шод-қувноқ халқдан ҳам бахтиёр халқ бўладими? Мана шундай шукрули, дорилмомон кунларимизнинг янада файзли, саодатли ўтмоғи учун ўз роҳатидан кечиб хизмат қилаётган юртдошларимиз бисёр. Ички ишлар идоралари ходимлари ана шундай заҳматкаш, фидойи касб эгаларидир.

Тошкент вилояти ички ишлар бошқармасига қарашли пост-патрул хизмати батальонида миз. Одатдагидек эрталабки биринчи тадбир маънавият соати бўлди. Батальоннинг барча ходимлари, отряд бошлиқлари, масъул шахслар катта залга тўпланди.

— Ички ишлар соҳасида хизмат қиладиган ҳар бир ходим ўз Ватанининг тарихи, ўзлигини чуқур билиши керак, — дея таъкидлади пост-патрул хизмати батальони штаб бошлиғи, подполковник Назрулло Худойбердиев. — Улуғ аждодларимизга хос ғайрату шижоат, теран билим

ва кенг дунёқараш биз, бугунги авлод вакилларига ҳам хос бўлмоғи лозим. Қолаверса, бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, тинчлигимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш, элу юртга сидқидилдан хизмат қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Маънавият соатида Тошкент давлат аграр университети доценти, фалсафа фанлари номзоди Неъматулла Саъдуллаев «Ким эдигу, ким бўлди» мавзусида маъруза қилди. Шундан сўнг ички ишлар бошқармаси профилактика хизмати бошлиғи Муҳаммадали Исмоилов ИИБ пост-патрул хизмати билан профилактика хизмати ҳамкорлигида олиб бориладиган ишлар хусусида сўхбат ўтказди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тинчлик ва осойишталикни таъминлашда, жамоат мулкани сақлашда, турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда пост-патрул хизмати билан профилактика хизмати ҳамкорлигининг роли каттадир. Тинч ва осуда ҳаётимизни таъминлашда биргаликдаги саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш керак. Худди шу мавзуга бағишлаб, Тошкент давлат аграр университетидеги ички ишлар идоралари ходимлари билан ўтказилган мулоқот кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Ашурали БОЙМУРОД,
«Turkiston» мухбири

ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИНИНГ ПАРАОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЮКСАК ҒАЛАБАЛАРИ

(Давоми, бошланиши
1-саҳифада)

Паралимпиячиларимизнинг бу юксак ғалабаси халқимизга чексиз гурур-ифтихор бағишлаши, мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар, аввало, инсон ва унинг манфаатлари учун хизмат қилиши, шу юртда яшаётган ҳар бир фуқаронинг миллати, дини, irqи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъий назар, ҳуқуқ ва эркинликлари тўла таъминланаётганини намоён этгани шубҳасиз.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида халқимизнинг тинч-осуда, фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi, эзгу мақсадларини рўёбга чиқариши, буюк келажагимиз бунёдкорлари бўлган ёшларимизнинг билим олиши, замонавий касб-хунарларни эгаллаши, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиб, ўз иқтидор ва салоҳиятини намоён қилиши учун кенг имконият ва зарур шароитлар яратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан спортни ривожлантириши, унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 2002 йилда Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Утган давр мобайнида жамғарма томонидан мамлакатнинг барча ҳудудларида юзлаб замонавий, зарур шароитларга эга спорт мажмуалари, болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, сузиш ҳавзалари, стадион ва спорт манежлари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Мамлакатимизда ўғил-қизлар ўртасида спортни оммалаштириш, уларнинг иқтидорини юзга чиқаришнинг муҳим воситаси сифатида таълим тизимида «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақаларидан иборат уч босқичли спорт ўйинлари жорий қилинган ёшларимизнинг соғлом бўлиб улғайиши баробарида уларнинг истеъдод ва салоҳиятини юзга чиқаришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, жисмоний имконияти чекланган ёшларни ҳар томонла-



ма қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий кўмак бериш, билим олиши, саломатлигини мустаҳкамлаши, ўз қизиқиш ва интилишига мос касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланишини таъминлаш доимий эътиборда.

Бу жиҳатларни 2013 йили пойтахтимизда ўтказилган «Осиёда Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш» мавзусидаги халқаро анжуманда Осиё паралимпия кўмитаси президенти Дато Зайнал Абу Зарин алоҳида таъкидлаган эди: «Ўзбекистонда Олимпия ва Паралимпия дастурига киритилган спорт турлари жадал ривожланмоқда. Бу Президентингиз томонидан олимпия ва паралимпия ҳаракатини ривожлантириш, мамлакатингизда жисмоний тарбия ва спортни аҳолининг барча қатламлари — болалар, қизлар, ёшлар, жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлар ўртасида оммалаштиришга улкан эътибор қаратилаётганининг самарасидир. Бундай хайрли ишлар бошқа мамлакатлар учун намуна ҳисобланади».

Ҳаёт синовларини мардонвор енгиб ўтиб, кўзлаган мақсади сари дадил қадам ташлайдиган, иродаси мустаҳкам, сабр-тоқат, шижоат ва матонат бобида кўпчиликка ўрнатилган оладиган инсонларнинг саъй-ҳаракати, эришаётган натижалари ҳар қанча таҳсинга лойиқ.

Жанубий Кореянинг Инcheon шаҳрида ўтган «Параосиё —

2014» мусобақаларида Ўзбекистон спортчиларининг интилиши, ғалабага бўлган юксак ишончи уларнинг эришган натижаларида яққол намоён бўлди. Паралимпиячиларимиз Ватани мадҳ этиш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришдек эзгу мақсадни, фарзандлик бурчини чин дилдан адо этди.

Ўзбекистон паралимпиячиларининг мазкур нуфузли мусобақага пухта тайёргарлик кўришида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги қарори муҳим дастуриламал бўлди. Қарорга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, Параосиё ўйинларига йўлланма берадиган нуфузли мусобақаларга тайёрланиши ва уларда муносиб қатнашиши учун барча шарт-шароит яратилди.

Инcheonда ўтган мазкур нуфузли мусобақада қирқдан зиёд мамлакатдан фақат 32 тасининг спортчилари шохсупага кўтарилди, шундан 23 давлат вакиллари олтин медалга сазовор бўлди.

2010 йили Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган Параосиё ўйинларида Ўзбекистон паралимпиячилари 1 олтин, 2 кумуш ва 3 бронза, жами 6 медални қўлга киритган эди. Бу галги мусобақаларда олтин медалларимиз 20 тадан ошди. Ҳатто, қатнашувчи спортчилари бизниқидан бир неча баробар кўп бўлган айрим давлатлар ҳам шунча олтин медални қўлга кирита олгани йўқ.

Бу кўрсаткич, бу ютуқлар мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор, юртимизда истеъдод соҳиблари ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганининг амалий самараларидир.

Спортчиларимизнинг енгил атлетика баҳсларида эришган натижалари ҳам таҳсинга лойиқ. Ушбу спорт тури бўйича нафақат қитъамизда, балки жаҳонда етакчилардан бири сифатида эътироф этиладиган паралимпиячиларимиз 8 олтин, 4 кумуш ва 3 бронза медални қўлга киритиб, бу эътироф тасодиф эмаслигини яна бир қарра исботлади.

Енгил атлетикачиларимиздан

спорт делегациямиз ҳисобига дастлабки олтин медални Фахриддин Ҳамроев келтирди. У 800 метр масофага югуриш мусобақасида маррага биринчи этиб келиб, Осиё рекордини янгиллади. Шунингдек, у 200 ва 400 метрга югуришда ҳам рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмади. Унинг 400 метрга қайд этган натижаси ҳам Осиё рекорди, ҳам Параосиё ўйинлари рекорди сифатида қайд этилди.

Иқтидорли енгил атлетикачимиз Маъруфжон Муродиллаев 1500 метрга ва 800 метр масофага югуриш баҳсларида маррага биринчи келиб, икки марта шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. У мазкур масофаларда эришган натижалари билан Осиё рекордчисига айланди.

Яна бир олтин медал 4x100 метр масофага югуриш бўйича ўтказилган жамоавий баҳсда қўлга киритилди. Терма жамоамиз сафида Миран Сахатов, Дониёр Солиев, Улугбек Чориев ва Фахриддин Ҳамроев энг юқори натижани кўрсатди.

Ўзбекистон спорт делегацияси байроқдори Мавлонбек Ҳайдаров ядро улоқтириш мусобақасида 14 метр 39 сантиметр натижани қайд этиб, Осиё рекордини ҳам янгиллади.

— Параосиё ўйинлари очилишида бошим узра баланд кўтариб ўтган давлатимиз байроғини шохсупада ҳам энг баланд поғонага кўтаришни ният қилган эдим, — дейди М.Ҳайдаров. — Ниятимга етганимдан, менга юксак ишонч билдирган мураббийларим, халқимиз ва Президентимизнинг ишончини оқлаганимдан беҳад хурсандман.

Енгил атлетиканинг диск улоқтириш баҳсларида иштирок этган Ҳусниддин Норбеков 53 метр 84 сантиметр натижани қайд этиб, биринчи ўринни эгаллади. Тажрибали спортчимиз ядро улоқтиришда кумуш медалга сазовор бўлди.

Узунликка сакраш мусобақаларида иштирок этган Фаррух Мирзақулов кумуш, турли масофаларга югуриш бўйича Миран Сахатов иккита кумуш, Сирожиддин Норов иккита бронза ва Дамир Пашаев битта бронза медал билан тақдирланди.

Инcheonдаги мусобақанинг дзюдо бўйича ўтказилган беллашувларида спортчиларимиз еттита олтин, биттадан кумуш ва бронза медални қўлга киритди.

2012 йил Лондонда ўтган Паралимпия ўйинлари кумуш медал совриндори Шариф Халилов вазни 81 килограммгача бўлган полвонлар мусобақаси-

да Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Тажрибали полвонимиз эронлик Саид Нури Жаъфарийни, япониялик Юсуке Хатсусени, ҳал қилувчи баҳсда таиландлик Рунг Чатфуенгни мағлубиятга учратиб, шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

— Қитъамиз спортчиларининг нуфузли мусобақасида Ватанимиз байроғини сарбаланд этиб, мадҳиямиз баралла янграшига ўз ҳиссамни қўшганимдан беҳад бахтиёрман, — дейди Ш.Халилов. — Бундай ғалабаларимиз замирида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ўз иқтидор ва истеъдодини юзга чиқариш учун қаратилаётган юксак эътибор ва доимий ғамхўрлик муҳимдир.

Яна бир маҳоратли спортчимиз, дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Одижон Тулендибоев энг оғир вазндаги полвонлар беллашувидан ўз салоҳиятини намоён этди. У ҳал қилувчи баҳсда эронлик Ҳамза Надрийни 19 сонияда енгиб, Параосиё ўйинларининг олтин медалига сазовор бўлди.

Мусобақанинг вазни 73 килограммгача бўлган полвонлар баҳсида ҳамюртимиз Феруз Саидов ҳам терма жамоамиз ҳисобига олтин медални туҳфа этди. Полвонимиз чорак финалда хиндистонлик Манохаран Янакирамани, ярим финалда япониялик Хидекацу Такахашини, ҳал қилувчи баҳсда эронлик Муҳаммад Али Шананини мағлубиятга учратиб, Параосиё ўйинлари голибига айланди.

Полвонларимиздан Шерзод Намозов, Нурбек Бердиёров, Шухрат Бобоев, қизлар баҳсида Севинч Салаева ҳам ўз вазн тоифасида барча рақиб устидан муваффақият қозониб, олтин медални қўлга киритди.

Гулруҳ Раҳимова кумуш медал билан тақдирланган бўлса, Ширин Шарипов кучли учликдан жой олди.

Сузиш баҳсларида иштирок этган ҳамюртимиз Кирилл Паньков бир йўла тўртта, Дмитрий Хорлин учта олтин медални қўлга киритди. 2012 йили Лондонда ўтган Паралимпия ўйинларида муносиб иштирок этиб, икки марта Осиё рекордини ўрнатган Кирилл Паньков 50 ва 100 метр масофага эркин, 100 метрга чалқанча усулда ва 200 метрга комплекс сузиш бўйича рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмаган бўлса, Дмитрий Хорлин 50, 100 ва 400 метрга эркин усулда сузиш баҳсларида шохсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Эътиборлиси, Дмитрий Хорлиннинг ҳар уч йўналишда, Кирилл Паньковнинг 50 метр масофага эркин сузишда қайд этган натижаси Осиё рекорди сифатида эътироф этилди.

Умуман олганда, Ўзбекистон паралимпиячилари II Параосиё ўйинларида ўз маҳорати, матонати ва шижоатини тўла намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Спортчиларимиз келажақдаги нуфузли мусобақаларда, жумладан, 2016 йили Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XV Паралимпия ўйинларида бундан-да юксак ғалабаларга эришиб, халқимиз ва Президентимиз ишончини оқлашига ишонимиз.



«ОБУНА — 2015»



ОБУНА ИНДЕКСИ: 203

Ўзбекистон ёшларининг бош наشري — «Turkiston» 2015 йилда ҳам сизнинг маслаҳатчингиз, ҳамроҳингиз бўлади.

«TURKISTON» САҲИФАЛАРИДА:

Мамлакатимизда, «Камолот» худудида — ёшлар ҳаётида рўй бераётган долзарб мавзудаги мақолалар, оригинал лавҳалар, «Сухбатдош», «Амалиётчи», «Интерактив», «Табиатнома» сингари саҳифалар, «Истиқлол фарзандлари», «Ёш ихтирочи», «Сенинг тенгдошинг», «Санъат», «Спорт», «Билиб кўйган яхши» каби рукнлар, шунингдек, бутун оламдан қизиқарли воқеалар тафсилоти, теша тегмаган гаплар, ажабтовур фотолавҳалар...

«TURKISTON»ГА ОБУНА БЎЛИНГ!

ИМТИЁЗЛИ
ОБУНА УЧУН —
3203(Изоҳ: Тўлиқ бир
йилга обуна
бўлганлар учун
имтиёз мавжуд)

ЁШ УРБАНИСТЛАР ФЕСТИВАЛИ

Скейтборд, роликлар, кўкка сапчийдиган велосипедлар, паркур ва мислсиз энергетикага бой рақслар. Экстремал руҳни берувчи бундай томошани ҳар куни кўравермайсиз. Шу боис пойтахт ёшлари урбаник спорт турлари «Тошкент урбания» ёшлар фестивалини доимо интиқ бўлиб кутади. Анъанавий спорт байрамига бу сафар шаҳримизнинг сўлим маскани — «Камолот» боғи мезбонлик қилди.

тик ва артистик манёврларни бажарувчи сламом усталари ҳамда скейтерларнинг беллашувини каттаю кичик юрак ютиб томоша қилди. Кўшни худудда намойиш этилган замонавий рақслар ҳам кўпчиликни бефарқ қолдирмади.

— «Тошкент урбания» фестивали тенгдошларимизнинг спортга қизиқишини оширмақда, — дейди «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар

ят таъсирида, ёшинг нечада бўлишидан қатъий назар, шу заҳотиёқ велосипед, скейтборд ёки ролик билан ошно тутинг келади. Спорт эса инсонни ҳамisha яхшиликка чорлайди, соғломлаштиради, зарарли одатлардан халос этади.

Фестиваль доирасида бир қанча виторина ва танловлар уюштирилди. Энг билимдон ва зукко ёшларга ташкилотчиларнинг совғалари топширилди. Спорт беллашувларида голиб бўлган урбанист-спортчилар ҳам турли номинациялар бўйича тақдирланди.

Шунингдек, тадбир давомида «Яхшилик қилиш осон» акциясининг тақдироти бўлиб ўтди. «Ёшлар гиёҳвандликка қарши ва соғлом турмуш тарзини танлайди!» лойиҳаси доирасида эса «Камолот» боғи худудида янги скейтборд майдончаси очилди.

Байрам дастури Тошкент ва Чирчиқ шаҳарларидаги болалар ижодий жамоалари, ихтисослашган мактаблар тарбияланувчилари тайёрлаган бадий чикишлар билан яқунланди.

Наргиза БАҲОДИРОВА

Урбанистика — йирик шаҳарлар шароитида юзага келган ва асосан ёшлар шуғулланган экстремал спорт. Унга роликли коньки, велосипедда тўсиқлардан ўтиш ва турли баландликларга сакраш, скейтборд, паркур, қояга чиқиш каби йўналишлар кирди.

кенгаши раиси Элбек Шукуров. — Зеро, бугунгидек кўтаринки кайфи-



Фестиваль Экстремал ва тоғ туризми федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамкорлигида ташкил қилинди. Унда ўнлаб

спортсевар ёшлар урбаник спортнинг беш тури бўйича маҳоратини кўрсатди.

Баландликдан кўркмайдиган велосипедчилар, турли тўсиқларни устамонлик билан енгиб ўтувчи роллер ва паркурчилар, филдиракли роликларда акроба-

Ma'rifat

Маърифатнинг жаҳолатдан орарқи бор

Қарши шаҳридаги «Ёшлар маркази»да «Диний конфессиялар, фуқаролар ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш» мавзуда семинар ўтказилди.

Тадбир аввалида вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, мутахассислар ёшлар маънавиятини юксалтиришнинг асосий омилларидан ҳисобланган диний қадриятларимиз, унинг асл моҳияти ҳақида қизгин мулоқот олиб борди. Шундан сўнг «Миссионерлик ва жаҳолат сари йўл» номли ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Тенгдошларимиз фильм ҳақида фикр билдирар экан, соғлом ақл эгаси бўлган, диний ва дунёвий билимлардан хабардор, тафаккури кенг, юксак маънавиятли киши ҳеч қачон нотўғри йўлга кирмаслиги, диний ақидапарстликка чалинган кимсалар ўзини ҳар қанча билимдон ва эътиқодли қилиб кўрсатмасин, мақсадига эриша олмаслигини таъкидлади. Биз ҳақиқий илму маърифатдан пуч, сохта юяларга асосланган, маърифатни никоҳ қилиб олган жаҳолатни фарқлай олишимиз лозим, дея эътироф этди ёшлар.

Ферузабону АБДУРАҲМОНОВА

БИЛАСИЗМИ?

Самарқанд шаҳридаги Улугбек расадхонаси 1424 — 1429 йилларда бунёд этилган.

Буюк математик, астроном ва географ Муҳаммад Мусо Хоразмийнинг «Ал-китоб ал-муҳтасар фи ҳисоб ал-жабр ва ал-муқобала» асари 1145 йили Испаниянинг Севилия шаҳрида Роберт Честер томонидан лотин тилига таржима қилинган.

XIX аср охирида яратилган дастлабки автомобиллар соатига 15 км.гача тезликда ҳаракатланган.

Е.Даймлер 1883 йилда бензинда ишлайдиган двигателни орадан икки йил ўтиб, К.Бенз бензин двигатели автомобилни ихтиро қилди.

Ер юзидаги биринчи темир йўл 1831 йилда Англиянинг Манчестер ва Ливерпул шаҳарлари оралигида қурилган.

ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

X асрда битилган «Мафотиҳ ал-улум» асарининг механикага оид бўлимида далаларни суворини мақсадида ишлатиладиган қурилмалар, содда машиналар, уларнинг тузилиши ва вазифалари баён қилинади. Мазкур асарда, шунингдек, математика, астрономия, кимё фанларига оид қимматли маълумотлар ва фикрлар бор.

Айтинг-чи, унинг муаллифи ким?

Жавобингизни 1 ноябрь соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 телефон рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

Қадимий ўсимликларни.

Чиноз туманидан Шаҳноза Рабимова биринчи бўлиб тўғри жавоб йўллади.

Тафаккур қилмондан бир қатъра

Кўрдимки, вақтини «эсиз», «қанийди», «кошкилар» билан ўтказган кишининг умри энг қисқа экан.

Нажмиддин Кубро

Turkiston

МУАССИС

«КАМОЛОТ»

ЁШЛАР ИЖТИМОЙ ҲАРАКАТИ
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 19 апрелда № 0242 рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2010-6998



9 772010 699000

БОШ МУҲАРРИР

Каримов
Фахриддин Турдалиевич

Тахир хайъати

Баҳодир Ганиев, Меҳриддин Шукуров (бош муҳаррир ўринбосари — «Turkiston»), Элмурод Нишонов (масъул котиб — «Turkiston»), Ирина Кочергина (бош муҳаррир ўринбосари — «Молодёжь Узбекистана»), Елена Калинина (масъул котиб — «Молодёжь Узбекистана»), Рустам Қосимов

Навбатчи
муҳаррирРўзикулов
Дилшод
Шухрат ўғли

Саҳифаловчи

Рўзиев
Зафар
Хусанович

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент,
Матбуотчилар кўчаси, 32.Телефонлар:
(371) 233-95-97. (371) 233-79-69

e-mail: info@turkiston.uz

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-3 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табок. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203

Баҳоси келишилган нарҳда.

Буюртма Г-1056.
Адади — 6231

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 23.30
ЎЗА яқини — 23.10

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5